



20 20 у « 3 » июнь

№ Қ-241

« ___ » _____ 20__ г

**Бандихон тумани “Бектепа” маҳалласи
худудидан “DRYERS” МСНҶга
“Иссиқхона биноси”ни қуриш учун ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/249-сон йиғилиш баёни ва Бандихон тумани ҳокимининг 2020 йил 30 апрелдаги 01-05/99-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/249-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бандихон тумани “Бектепа” маҳалласи худудидан “DRYERS” МСНҶга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 340қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 49,9 балл бонитетли 2,0 гектар суғориладиган экин ер майдони “Иссиқхона биноси”ни қурилиши учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “DRYERS” МСНҶ бошлиғи Х.Хамроевга:
ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;
мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бандихон тумани ҳокимлиги (Ў.Чориев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов